# Оли Имрон сураси 186

05:00 / 19.01.2017 5314

**Албатта, молу жонда синовга учрайсиз. Албатта, сиздан олдин китоб берилганлардан ва ширк келтирганлардан кўплаб озор эшитасиз. Агар сабр қилсангиз ва тақво қилсангиз, албатта, бу салмоқли ишлардандир.**

Барча ақида ва даъватларда, албатта, бало-офат ва синовлар бўлиши шартдир. Душманлардан озор эшитиш ва жафо кўриш ҳам бор нарса. Бундай пайтларда сабр-тоқатли, чидамли бўлиш ва Аллоҳ таолога тақво қилиш зарурдир. Чунки бу йўл олий мақсад йўлидир. Жаннат йўлидир. Жаннат йўли доимо тиканлар билан ўралган бўлади. Дўзах эса, шаҳвоний ишлар, лаззатлар билан ўралган бўлади.

Қийинчиликсиз эришилган нарсанинг қиммати бўлмайди. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло эзгулик йўлида, Ўзининг йўлида курашга отланган бандаларни синовдан ўтказиб, тоблаб, чиниқтириб туради. Ана шундагина яхшилик даъватчилари мустаҳкам иродага эга бўладилар. Даъватнинг барча оғирликларини кўтарадилар.

Иймонга, Исломга, эзгуликка даъват қилувчилар, шу йўлда ҳаракат қилувчиларга молу мулкларида ҳам синов келади. Уларнинг молу мулкларини золимлар тортиб олиши ёки йўқ қилишга уриниши мумкин. Душман кофир бўлгандан кейин ҳеч нарсадан тап тортмайди.

Шунингдек, иймон йўлида курашувчиларнинг жонига ҳам душманлар қасд қиладилар. Уларни азоблашлари, қийнашлари ва ҳатто ўлдиришлари ҳам мумкин. Бу ҳолат аввалда ҳам бўлган, ҳозирда ҳам давом этмоқда.

Ҳақиқат йўлининг курашчилари душманлардан кўплаб озорлар эшитадилар. Уларни ҳар замон ва ҳар маконда турли айблар билан айблашади. Турли ёмон сифатлар билан сифатлашади. Бу бўлиши муқаррар ишлардир. Ахир, Аллоҳ таоло Ўз Қуръонида айтиб қўйган нарса муқаррар бўлмаса, нима муқаррар бўлар эди!

Аммо буларнинг бари ҳақиқат курашчиларига, иймон байроғини юксак кўтаришга интилганларга яхшиликдир. Энг камида, кураш учун оладиган савоблари кўп бўлади.

Фақат, жону молга бало етганда, душманлардан озор кўрганда:

«Агар сабр қилсангиз ва тақво қилсангиз, албатта, бу самоқли ишлардандир».

Ана шундагина кўзлаган мақсадга эришилади. Ҳаммаси яхшилик билан

тугайди. Чунки иймон ила куфр курашида доимо иймон тараф ғолиб келган. Чунки бу тараф Аллоҳнинг тарафи. Унинг Ўзи нусрат беради.